

УДК 372

Худойкулова Шоира Хусановна

ТерГУ, магистр "Педагогика и психология"

Шарафутдинова Хадичахон Гулямутдиновна

ТерГУ, старший преподаватель, научный консультант

Khudojulova Shoira Kusanovna

TerSU, Master of Pedagogy and Psychology

Sharafutdinova Khadichakhon Gulyamutdinovna

TerSU, senior lecturer, scientific consultant

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ ПОВЕДЕНИЯ И

ЭМОЦИЙ ДЕТЕЙ В СЕМЬЕ

Аннотация: неудивительно, что вопрос семьи в нашей стране сегодня, конечно, поднялся на уровень государственной политики. Ведь краеугольный камень развития страны заложен в семье, которая является главным звеном нашего общества. Поэтому сейчас особенно важно изучать поведение и чувства детей в семье.

Ключевые слова: воспитание, семья, Родина, психология, эстетика, мораль, окружающая среда, гуманизм.

THEORETICAL BASIS OF STUDYING THE BEHAVIOR AND EMOTIONS OF CHILDREN IN THE FAMILY

Abstract: Families in our country today, of course, have risen to the level of public policy. After all, the cornerstone of the country's development is laid in the family, which is the main link in our society. Therefore, it is now especially important to study the behavior and feelings of children in the family.

Key words: education, family, homeland, psychology, aesthetics, morality, environment, humanism.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча баҳтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса

бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”¹, деган таъкиди, юртимизда ёшлар тарбиясига, айниқса, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилаётганинг далолатидир.²

Шунингдек шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг баркамол авлодни тарбиялаш - бу нафақат оиланинг, балки жамият ва давлатнинг муҳим вазифаси эканлиги тўғрисидаги қўйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди”³.

Республикамизда таълим-тарбия соҳаси мустақилликдан кейинги йиллар мобайнида анчагина ривожланди. Шунингдек, психология соҳасининг алоҳида йўналишлари ҳам таъли соҳасида анча ривожланди. Мактабгача таълимда психокоррекцияни ташкил этишнинг илмий методологик асослари яратилди. Мактабгача таълим муассасаларида психокоррекцион ишларни ўйин-машқдари, тренингларни кандай тартибда ташкил этилиши ва ўтказилиши борасидаги масалалар ёритилган илмий-услубий манбалар яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда оила масаласи давлат сиёсати даражасига қўтарилигани бежиз эмас, албатта. Зеро, юрт тараққиётининг тамал тоши жамиятимизнинг асосий бўғини бўлмиш оиласда қўйилади. Оила шундай муқаддас маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий харакатининг IV қурултойидаги нутқи. 1 июль, 2017 й.

² Умаров Б. “Оилавий тарбия сабоқлари” (Оилада фарзандлар тарбиясига оид психологик чизгилар) Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: “Tasvir nashriyot uyi”, 2019, 52 бет.

³ Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”. “Ўзбекистон овози”, 2017 йил, 21 январь

таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатларимиз, ахлоқий ва маънавий қадриятларимиз сақланади, ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маданий ҳаёт пойдевори мустаҳкамланади.

Оиланинг асосий ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва психологик вазифаларини қисқача таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, болада шаклланадиган барча ҳиссий, руҳий туйғулар: меҳрибонлик, оқибатлилик, ўзига ва атроф-муҳитга нисбатан масъулиятилик куртаклари оиласда намоён бўлади. Оила ўз вазифасини лозим даражада амалга ошириши учун уни тегишлича, маърифий-методик қуроллантириш, ижтимоий-маънавий тадбирларни ўtkазиш йўли билан унга ёрдам бериб бориш зарур.

Шахснинг комил инсон бўлиб шаклланишида оиланинг ўрни бекиёсdir. Зеро, қадимдан оила бежиз муқаддас саналмаган. Инсон ўз ҳаётини оиласиз тасаввур қила олмайди ва айнан мана шу оила муҳитида у жамият аъзоси сифатида тарбия топади. Оиладаги тарбия муҳити, аввало, оилавий муносабатлар маданиятига боғлиқ бўлади. Яъни, ота-оналар билан фарзандларнинг ўзаро яхши муносабати, қарияларга ҳурмат-эътибор, отаонанинг фарзандлар тарбиясига ўта масъуллиги, оиласда ўрнатилган 159 намунали тартиб ва ижобий урф-одатлар, ота-онанинг меҳнатга, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига тўғри муносабатда бўлиши кабилар оилавий муносабатлар маданиятининг нозик қирраларидир. Буларнинг қай бирида мутаносиблик бузилса, демак, ўша оиладаги соғлом муҳитга путур етади ва носоғлом муносабатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шу сабабли оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади.

Оиланинг соғломлиги ва оилавий муҳитнинг қандай даражада бўлиши жамият ривожига, ундаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. 2018 йил 2-февраль санасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини

мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида инсон манфаатларини таъминлаш ва олий қадрият сифатида улуғлаш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг давоми бўлди. Мазкур қарорнинг ҳар бир банди, сатри замирида катта маъно-мазмун, мужассам.

Инсоннинг бу ҳаётда баҳтли яшашининг энг муҳим омилиллари мавжуд, бу оила ва оилада бола тарбияси масаласи. Оилада миллат келажагининг давомчиси бола дунёга келади ва у жамиятга фойда келтирувчи шахс булиб тарбияланади ҳамда давлатга муносиб фукаро вояга етади.

Халқимизда “бола бошидан” деган нақл бежиз айтилмаган. Чунки оила муҳитида боланинг тарбияси, ўсиши ва вояга етиши учун асос мавжуд. Соғлом муҳит, муносабатларида илиқлик, ўзаро тушуниш мавжуд бўлган оилада нафакат фаровон ва баҳтли турмуш, балки, фарзанд ўстириш ва вояга етказиш муносиб амалга ошади. Шунинг учун фарзанднинг соғлом туғилиши, соғлом ўсиши, соғлом тарбияланиши ва соғлом фикрли шахс бўлиб шаклланиши ҳам оиласа боғлиқ. Юксак маънавиятнинг дастлабки амал топишларини гўдаклик-чақалоқлик (0-1 ёшгача), илк болалик (1-3 ёшгача) ва мактабгача ёш (3-6 ёш) даврларида қўйиш боланинг нафакат ақлан, балки маънавий ва аҳлоқан камол топиши учун асосий вазифасини бажаради. Масалан, Япония, Хитой ва Кореяда шу ёшдаги болаларни тарбиялашга алоҳида аҳамият берилади.

Оила - кишиларнинг табиий биологик муносабатлари, уй-рўзгорни бошқариш, хуқуқий никоҳни фуқаролик ҳолатларида қайд этиш, маънавий эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳаббат туйғуси ва шу каби муносабатларга асосланган бирлик. Оилавий муносабатлардаги ҳар қандай ҳолатлар (салбий, ижобий) болаларнинг руҳий, маънавий ривожланишига таъсир этади. Зеро, оилада шахснинг инсонийлик,

қатъийлик, бурч, меҳнатсеварлик, самимийлик, камтарлик каби ахлоқий хислатлари шаклланади. Оиладаги эр-хотин ўртасидаги юксак муносабат маданияти болаларни қувноқ, хушчакчак ўсишларига, тўғри тарбияланишларига, хонадонда соғлом муҳит яратилишига бевосита таъсир кўрсатади. Қайси оиласда ноаҳиллик, қўполлик, дўқ-пўписа, асабийлик ҳукмрон экан, унда ҳаловат ҳам бўлмайди. Оиладаги арзимаган жанжал ҳам даставвал болаларнинг психик ҳолатига таъсир қиласди, уларда ёмон одатлар ҳосил бўлишига олиб келади. Қомусий аллома ва ажойиб мутафаккир Абу Али ибн Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037) Шарқ ҳалқлари орасида «Шараф ул-мулк» ва «Шайх ур-раис» каби 31 мартали унвонларга мұяссар бўлган буюк шахсдир. Ибн Сино: «Ахлоқ - инсонларни яхшиликка чақиравчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир», дейди.

Оилавий тарбиянинг тугал мақсади – боладан комил инсонни етиширишdir. Буни амалга ошириш жисмоний, иқтисодий, меҳнат, сиёсий, ҳуқуқий, ғоявий, ақлий, руҳий, жинсий, ахлоқий, эстетик, диний тарбияни ўз ичига олади. Жисмоний, маънавий-ахлоқий ва руҳий қонуниятларни яхши билмай туриб, кўзланган мақсаддага эришиб бўлмайди, зеро, бола мана шулар асосида ривожланади. Бу қонунларнинг табиий ва ижтимоий сабабларини тушунмаслик кутилган мақсаднинг юзага чиқмаслигига сабаб бўлади. Иномова айтганидек, «миллий ахлоқ, миллий тарбия натижасида таркиб топади. Миллий тарбия негизида оилавий тарбия ётади»⁴.

Ҳар томонлама етук ва соғлом ёш авлодни шакллантириш ва тарбиялаш масаласи бугунги кунда ёш мустақил давлатимиз олдида турган долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Чунки, ҳар қандай мустақил давлатнинг келажаги ва равнақи ўсиб келаётган ёш

⁴ 1 Иномова М.О. Оиласда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари (мустақил ҳаёт бўсағасидаги ёшлар): Педагогика фанлари доктори... дис./ Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети. – Тошкент, 1998. 279-бет.

авлодга унинг дунёқарашига, оилавий мухитнинг соғломлигига ва мустаҳкамлигига узвий боғлиқдир. Демак, истиқлол йўлидан ривожланиб бораётган жамиятимизнинг тараққиёти ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ва ақлий қобилиятларини дастлаб оиласда шакллантиришга, соғлом ва мустақил қилиб тарбиялашга боғлиқдир. Бизнинг мамлакатимизда дунёниг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ, оила ва маҳалла институтлари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Чунки, биз учун муқаддас бўлган ҳар икки масканда ҳам ахлоқ мезонлари устувор бўлган маънавий мухит ҳукмронлик қиласди. Миллий қадриятлар ва анъаналар ҳам улгайиб келаётган бола қалбига айнан оиладаги тарбия орқали сингиб боради. Келажакда ўз Ватанини севадиган, унинг ободлиги, тинчлиги, ривожи учун жон куидирадиган шахс тарбияси айни шу масканда бошланади. Оила тарбиясида умуминсоний ахлоқий маданият оила аъзоларининг ўз феъл-атворлари, саъи- 90 ҳаракатлари, интилишлари, маънавий қиёфасининг ҳолати хусусида шахсий тафтиш малакасини, ўзи устида доимий ишлаш, такомиллашув, ўзидан қониқмаслик фазилатларини шакллантириш орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбек оилаларида дунё тан бериди келаётган ажойиб инсоний фазилатлар, нодир урф-одатлар мавжуд. А. Мухсиеванинг фикрича, «оила ўзининг ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнида ўз шажарасининг миллий қадриятларини сақловчи, ижодий ўзлаштирувчи, замонавийлаштирувчи ва бойитувчидир»⁵.

Оилада болада соғлом онгни шакллантириш имконияти бой берилса, у вояга етганидан сўнг оиладаги ва жамиятдаги ҳаёт қонуниятларига зид хатти-ҳаракатлар қиласди. Бундай пайтда ҳеч нарса афсуски, фойда бермайди. Ўзбекчилик, миллий ва маънавий қадриятлар, авлод-аждодлар, ўтмиш ва келажак ҳақидаги панднасиҳатларимиз энди унга таъсир қилмайди. Шу боис ҳам буюк аллома Абу Али ибн Сино бола тарбияси

⁵⁵ Мухсиева А.Ш. Оилада миллий тарбия жараёнининг методик асослари: Дис. ... пед. фан. номзоди: 13.00.06 / ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги ТДПУ. – Т., 2005. 14-бет.

билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шуғулланиш лозим, деган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, тарбиянинг бош асоси беш ёшда ниҳоясига етади. Демак, биз фарзандимизга беш ёшгача нима қилган бўлсақ, 4 бу тарбиявий жараённинг 90 фоизини ташкил этади. Кейинги тарбия эса қайта тарбиялаш негизида давом этади. Ана шу жараёнда бола тарбиясига ўта эътиборли бўлишимиз лозим. Ўғил-қизларимизнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш, уларни ҳар жихатдан баркамол этиб тарбиялаш мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида, фарзанд тарбиясида онанинг меҳри отанинг талабчанлиги, лозим бўлганда қаттиққўллиги билан муштарак бўлмоғи керак. Оилада айниқса отанинг ўрни бекиёс. Тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда кўпгина оиласарда отанинг мавқеи иккинчи даражага тушиб қолган. Онанинг ўз эрини менсимай қўйиши, болалар олдида уни камситиш, ғурурини ерга уриш ҳолларига тез-тез дуч келмоқдамиз. Бундай ҳоллар фарзандлар тарбиясига ўта салбий таъсир этиши аниқ. Отанинг ҳурмат-иззатини жойига қўймайдиган фарзанд уйда ҳам, кўчада ҳам хоҳлаган номаъқулчилигини қилаверади.

Шу сабабли ҳам бизда қадим-қадимдан бола тарбиясида отанинг мавқеи ва обрўси ҳар доим жуда баланд бўлиб келган. Ўз ўрнида, фарзанд тарбиясида онанинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини инкор этиб бўлмайди. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, ўз онаси тарбиясини олган, унинг ғамхўрлиги, меҳрини доимо ҳис этиб турган болалар бутунлай ўзларини жамоат ишларига бахшида қилиб, фарзандларидан узилиб қолган оналарнинг болаларига қараганда соғлом, ақлли, тарбияли ва кўнгилчан бўлиб улғайишар экан.

АҚШда ўтказилган тадқиқотларда қамалганларнинг ярмидан кўпи она меҳрига тўймаган ёшлар экани маълум бўлган. Фарзандга меҳр деган

улуг туйғуни онадан бошқа ҳеч ким бера олмаслиги ушбу мисолдан ҳам яққол кўриниб турибди. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, оилада фарзанд тарбиялашда бобо ва бувиларнинг тажрибаларига таяниш анъанавий қадриятларимизнинг узвий қисми бўлиб келган. Ёши улуг отахон-онахонларимизнинг ўз невараларига берган: сувга тупурма, нонни кўзингга сурт, каттага хурматда, кичикка иззатда бўл, ҳаромдан ҳазар қил, одоб-ахлоқли бўл сингари ҳаётий ўгитлари, панд-насиҳатлари уларнинг келгусида ҳар томонлама етук, маънавий баркамол, комил шахслар бўлиб этишишига сабаб бўлганига тарихда мисоллар жуда кўп. Бу ўринда биргина Мирзо Улуғбекни бувиси Бибихоним тарбиялагани ҳақида тўхталиш кифоя.

Оилада бола тарбияси ўта мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан хабардор бўлиб боришни талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас. У ўз ичига маънавий-маърифий, ҳуқуқий, тиббиёт, этика, диний-ахлоқий, психология, педагогика каби соҳаларга оид билимларни қамраб оладиган мураккаб жараёндир.

Бугунги кунда жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ҳам ортиб бормоқда. Бу эса, оилада болага психологик, эстетик, ахлоқий, диний-маърифий, жинсий тарбия бериш сифати ва кўламини оширишни тақозо этмоқда. Фарзанд тарбиясида бола ҳуқуқлари ҳеч қачон камситилмаслиги керак. Оилавий тарбия ижтимоий тарбияга нисбатан болаларнинг руҳий оламига, ҳиссиёти ва туйғуларига чукур таъсир кўрсатади. Қисқа қилиб айтганда, аждодларимизнинг узоқ давр мобайнида тарбия соҳасида орттирган тажрибалари асосидаги таълимотлар негизида шу маъно англашиладики, тарбиячининг ўзи ҳамиша ўrnak бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. 1 июль, 2017 й.

2. Умаров Б. “Оилавий тарбия сабоқлари” (Оилада фарзандлар тарбиясига оид психологик чизгилар) Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: “Tasvir nashriyot uyi”, 2019, 52 бет.

3. Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. “Ўзбекистон овози”, 2017 йил, 21 январь

4. Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишининг педагогик асослари (мустакил ҳаёт бўсағасидаги ёшлар): Педагогика фанлари доктори... дис./ Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети. – Тошкент, 1998. 279-бет.